Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил 27 май ЧОРШАНБА

№ 41 (12781)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ХАЙР МАКТАБ, САЛОМ КОЛЛЕЖ!

**Оққўрғон туманидаги 11-умумтаълим мактабида "Хайр мактаб, салом коллеж" номли тадбир ўтказилди. Бу зиё масканида 1067 ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Шундан 437 нафари катта ҳаёт остонасига қадам қўйиш арафасида.**





– Бу кун нафақат битирувчилар, балки биз устозлар учун ҳам ҳаяжонли ўтади, – дейди мактаб директори Зулфия Бобохўжаева. – Негаки, ўқувчилар биз учун фарзандларимиз каби қадрли. Улар ҳар томонлама баркамол вояга етиб, ҳаётда ўз йўлларини топсалар, биз беҳад хурсанд бўламиз. Меҳнатимиз зое кетмаганидан, бунда оз бўлсада ҳиссамиз борлигидан қувонамиз.

Тадбир доирасида ўз хулқи ва аъло баҳолари билан кўпчиликка намуна бўлган ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Шунингдек, мактаб нуфузи ошишига ҳисса қўшган 40 га яқин спортчиларга совғалар берилди. Байрам шўх-шодон куй-қўшиқларга уланиб, ўқувчилар тайёрлаган дастурлар намойиш этилди. Ва ниҳоят, битирувчилар учун мактабдаги сўнгги қўнғироқ янгради. Уни 9-синф битирувчилари Нодир Раҳимов, Фаррух Тилабоев, Абдулазиз Абдувоситов ва биринчи синф ўқувчилари Комила Акромжонова, Жавоҳир Содиқжоновлар чалишди.

**Ирода НОРБОЕВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 2015 йил 27-29 май кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро сиёсий муаммоларни муҳокама этиш мўлжалланган.

Ўзбекистон делегациясининг Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлари ҳам ташриф дастуридан ўрин олган.

Ташриф якунлари бўйича томонлар икки давлат раҳбарларининг қўшма декларациясини қабул қилади, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланади.

Маънавият

## ТУТАБ БОРАЁТГАН ОФАТ

**– Чекишни ташланг!**

**... Шифокор беморни синчиклаб текшириб бўлгач, гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди.**

**У аҳволи яхши эмаслигини тушунди. Шифокор ҳузуридан чиқаркан: "Шу дардисарни иккинчи оғзимга олмайман!" деб аҳд қилди. Бирдан кўнгли ёришиб, кўз ўнгига фарзандларининг нурли иқболи келди, ҳаётдан завқ туйди. Йўл-йўлакай лабига сигарета қистириб олган бирор кимсани кўрса, ғаши келгандек бўлди.**

**Кечки пайт маҳалла гузарида ошна-оғайнилар йиғилишди. У суҳбат асносида бири олиб, бири қўйиб, тамаки бурқситаётган даврадошларини кўриб... ўзини тутолмади. Қўлини беихтиёр бир чеккага ташлаб қўйилган кутига узатди. Бир донасини лабига босиб, гугурт чақаркан, оловнинг алвон шуълаларида сигарет кутисидаги қалин ҳошияга олинган мана бу жумлалар ял-ял товлангандек бўлди: "Чекиш – тамакига кучли қарамликни келтириб чиқаради..."**

Шундай. Оддий сигарет таркибида 200 хилга яқин заҳарли моддалар борлиги аниқланган. Шулардан 14 хили гиёҳванд модда ҳисобланади. Шу жиҳатга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тамонидан тамаки "пассив наркотик" деб эътироф этилган. Мойиллик дегани шу...

Буни қуйидаги интернет маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Бугун ер юзида 1,5 миллиарддан ортиқ одам шу йўл билан соғлиғига зиён етказмоқда. Бу содда қилиб айтганда, қарийб ҳар беш кишининг бири чекувчи, дегани. Тамаки балосидан йироқ бўлсангиз, албатта, "Биз ана шу "чекмайдиган тўртлик"нинг орасидамиз", деб хурсанд бўлишингиз, ҳатто фахрланишингиз мумкин. Аммо, қувонишга ҳеч бир асос йўқ. Мутахассислар аллақачон якдил бир фикрга келиб бўлишганки, тамаки тутуни атрофдагиларни чекувчи билан баббаравар заҳарлайди...

Дунё бўйича ўпка саратони, юрак, жигар, қон-томир хасталиклари биринчи галда кашандаларда учрайди. Аниқроқ айтганда, ўпка ракининг 71, нафас йўллари сурункали касалликларининг 42 ва юрак қон-томир хасталикларининг 10-12 фоизи айнан "тутунга ишқибозлик" туфайлидир.

– Тиббиётда асорати аста-секин билинадиган хасталиклар анчайин хавфли саналади, – дейди Қибрай туманидаги "Фарҳод мададшифо" клиникаси кардиологи Шаҳноза Шералиева. – Худди шундай, чекишга ружу

(Давоми 4-бетда).

Депутат минбари

## ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ТЎҒРИ ЧОРАСИ

***Нишбош ва Лашкарак қишлоқларини Ангрен шаҳри ҳамда вилоятнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаб турувчи 20 километрли қаровсиз йўл ниҳоят ўз эгасини топадиган бўлди***

Қураматоғ тизмалари этагида жойлашган бу икки қишлоқ азал-азалдан салқин ва баҳаво табиати, ноёб доривор гиёҳлари, кўзни яйратадиган адл арчалари билан ўтган-кетганни ўзига ром қилади. Одамларини айтмайсизми?.. Тўпори ва меҳнаткаш... Иложи бўлса тўйиниям дала юмушларидан батамом қутулганидан кейин – куздами, қишдами қилсам, дейди. Тоғда ўсадиган гиёҳлар билан боқиладиган сигир-эчкиларининг сути минг дардга даво. Қишлоқ асаларичилари етиштирган асалдан татиб кўрмабсиз – дунёга келмабсиз. Кейинги ҳосилгача ширасини йўқотмайдиган "беш юлдуз" олмалари бозорнинг олди. Писта-бодомлари унчамунча хорижлик "чақчуқ"ларни уятда қолдиради. Лекин...

Ҳа, агар ана шу "лекин"и бўлмаганида тоғли Нишбош ва Лашкарак қишлоқлари ҳақидаги таърифу тавсифларни яна узоқ давом эттириш мумкин бўлар эди. Афсуски, уч ярим мингга яқин аҳоли яшайдиган ушбу ҳудудни шаҳар маркази билан боғловчи салкам 20 километрли ягона йўл бугунги кунда ўта қаровсиз ва таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Ёзда бир нави... Ёғин-сочинли, қишлиқировли кунларда бу йўлларда фақат юраги иккита одамгина бемалол юради. Сабаби йўлнинг текис қисми тугул, тор ва тик бурилишларида ҳам эҳтиёт чораси сифатида тўсиқлар ўрнатилмаган, борлари ҳам аллақачон яроқсиз ҳолга келган. Қишлоққа ета-етгунча бирор жойда на огоҳлантирувчи йўл белгиларини, на электр ёритгичларни учратмайсиз. Оқибатда кейинги пайтда автобус қатнови деярли тўхтаб қолди. Ўқиш, иш, бозор-ўчар ва бошқа зарур юмушлар билан кундакунора шаҳарга тушадиган қишлоқ аҳлининг дарди ичида... Ҳомиладор келиннинг кўз ёриш вақти яқинлашиб қолди дегунча бечора қайнонанинг юраги така-пука... Бир иложини қилиб келинни туғуруқхонага бир-икки кун олдин жўнатса-ю, тинчиса. Негаки, дард келганда "Тез ёрдам" чақиргандан фойда йўқ. Чунки у йўлнинг ёмонлигидан ё кечикиб келади ёки...

Йиллар давомида одамларни қийнаб келаётган мана шу каби муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида "Тошкентавтойўл" вилоят йўл ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Худойберган Тўлаганов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар ҳамроҳлигида масалани жойида ўрганиш учун йўлга чиқдик. Ангрен шаҳридаги "Гурум" маҳалласи ҳудуди орқали ўтадиган Нишбош – Лашкарак йўлининг бошланишидаёқ мутахассислар назорат-таҳлил ишларини бошлаб юборишди. Улар айрим мураккаб ҳудудларда тўхтаб, йўлнинг торайиб кетган қисмларини қандай кенгайтириш, қаерга йўл белгилари ўрнатиш зарурлиги тўғрисида ўзаро фикрлашиб олдилар. Мутахассислар келаётганини эшитиб, пешвоз чиққан

(Давоми 2-бетда).

Болалар ёзи

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЛАГЕРЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

**Касаба ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши Бўстонлиқ туманидаги гўзал табиат қўйнида жойлашган "Ёшлик" болалар соғломлаштириш лагерида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумига бағишланган семинар-кенгаш ўтказди.**

**Болалар соғломлаштириш лагерлари раҳбарлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармалари вакиллари, санитария врачлари, ўт ўчирувчилар ҳамда жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этган машғулотлар давомида болаларнинг лагерларда дам олишлари билан боғлиқ барча масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Таъкидландики, болалар уч ойлик таътил муддатини шоду хуррамлик билан ҳамда фойдали ўтказишлари учун соғломлаштириш лагерларида тайёргарлик ишлари юқори савияда амалга оширилди.**

Бу йил вилоят бўйича 20 та болалар соғломлаштириш лагерларида 32 минг 314 ўғил-қиз, шунингдек, 17 минг 500 ўқувчи умумтаълим мактабларида ташкил этилган лагерларда ҳордиқ чиқарадилар. Барча лагерлар мавсум олдидан бадиий адабиётлар, спорт жиҳозлари ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Асосий эътибор маданий-маърифий, ўқув-тарбия ишларини намунали уюштиришга қаратилмоқда. Бу ерда ўғил-қизлар зерикиш нималигини билмайдилар. Қатор қизиқарли лойиҳаларни амалга ошириш, фестиваллар, ижодий кўрик-танлов, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, буларнинг барчаси болаларни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Жумладан, "Мустақиллик менинг тақдиримда", "Ўзбекистон – бахтли болалар мамлакати", "Касаба уюшмалари – болаларга" каби қизиқарли тадбирлар уюштирилади. Бундан ташқари, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, бошқа таниқли кишилар билан учрашувлар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ҳар йилгидек, гўзал табиат қўйнига, архитектура ёдгорликлари, музей, маданият ва истироҳат боғлари, экология бўйича табиат бурчакларига уюштириладиган саёҳатлар давомида ўғил-қизлар билимларини янада бойитадилар, ўз ўлкалари ҳамда табиатга бўлган муносабатларини янада кучайтирадилар.



– Бундай семинарлар мавсумга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўришга, янги-янги қизиқарли дастурлар ишлаб чиқишимизга амалий ёрдам беради, – дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги "Меҳржон" болалар соғломлаштириш лагери директори Олимжон Турсунбоев. – Ҳар сменада лагеримизда 250 ўқувчи ҳордиқ чиқариб, соғлигини тиклайди. Мавсум давомида эса мингдан зиёд болалар лагеримизда дам олишади. Улар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «БОЗОРГА ШАМСИЗ БОРМАНГ!»

Газетамизнинг шу йил 29 апрель сонида "Қизим сенга айтаман" рукни билан юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Оҳангарон тумани марказидаги бозорча муаммолари ҳақида фикр билдирилганди. Ушбу мақолага туман ҳокими Р. Убайдуллаев имзоси билан расмий жавоб олдик.

Унда айтилишича, мақола туман ҳокимлиги ижроия аппарати йиғилишида атрофлича кўриб, ўрганиб чиқилган. Бу жой аслида "Умид" хусусий корхонасига тегишли савдо растаси ҳисоблангани боис, корхона раҳбарига мақолада кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатларни тезликда бартараф этиш, растани ёритиш чорасини кўриш, антисанитария ҳолатларини тугатиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилган. Давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказига ушбу раста назоратини янада кучайтириш бўйича ишларни фаоллаштириш топширилган.

Хатда, шунингдек, мақола муаллифига нисбатан қўпол муносабатда бўлган ходимларга муомала маданияти тушунтирилгани, камчиликларни батамом бартараф этиш, савдо растасини замон талаблари даражасида ободонлаштиришни назорат этиб бориш туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М. Отабоев зиммасига юклатилгани таъкидланган.

## «ЧИНОЗЛИКЛАР НИМА ДЕРКИН?»

Газетанинг 13 май сонида "Вилоятни яёв кезганда" рукни билан юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Чиноз тумани иссиқлик манбаи корхонасига тааллуқли муаммо кўтарилиб, корхона атрофида марказий поликлиника ходимларига тегишли, тахминан 10-15 тонна чиқадиган кўмир сочилиб ётгани танқид қилинган эди. Мазкур мақолага Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ж. Носиров имзоси билан жавоб келди.

Хатда ёзилишича, мақола Чиноз тумани тиббиёт бирлашмасининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинган ва унда айтилган камчилик ўз тасдиғини топган. Шундан кейин иссиқлик манбаи корхонаси ва аввалги поликлиника биноси ўртасидаги майдон кўмир чиқиндиларидан тозаланган.

Расмий жавоб ниҳоясида туман тиббиёт бирлашмасининг КТМП мудири Б. Довурбоев бундай камчиликларга бошқа йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилганлиги қайд этилган.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

## ЭСИЗ ГУЛЛАР, ЭСИЗ МАҲАЛЛА...

**Хизмат сафари билан Ўрта Чирчиқ тумани "Гузар" ва "Наврўз" маҳаллаларида бўлдим. Кўча бўйларига экилган гуллар сўлиб ётибди. Аксинча, ёввойи ўтлар барқ уриб ўсаяпти. Қизиғи шундаки, улар орасига махсус контейнерлар қўйилган-у, бироқ ёшу қари чиқиндиларни улар ичига эмас ёнига ташлаб кетишаяпти. Ахлатхонада пашшалар ғужғон ўйнаб, бадбўй ҳид бутун маҳаллага таралаётир.**

Бошқа маҳаллаларда ҳам аҳвол шундаймикин, деган хаёлда ДСЭНМ раҳбари Фарҳод Холбоев, туман ободонлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Мирюсуф Мираҳмедов билан туман кўчаларини айлангани чиқдик. Тўғри "Гузар" маҳалласидаги ахлатхонага бордик. Контейнерлар тўлиб кетиб, ахлатлар сочилиб ётибди.

Бу ҳолатни Мирюсуф Мираҳмедов ўзича изоҳлади:

– Туман марказида 9 та маҳалла бўлиб, фақат 2 таси, яъни "Учқун" ва Бобур номли маҳаллалар ташкилотимиз билан шартнома тузган. Албатта, биринчи навбатда шу маҳаллаларга хизмат кўрсатилади. Маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораяпмиз. Лекин натижа кўнгилдагидек эмас. Аҳоли чиқиндиларни кўча юзига тўкишга одатланиб қолган. Шу боис кўчаларимиз ахлатхонага ўхшаб кўринади.

(Давоми 2-бетда).

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

# ФАХРИЙЛАР СОҒЛИГИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

**Бугун юртимизнинг нафақат йирик шифохоналари, балки энг олис қишлоқлардаги врачлик пунктлари ҳам замонавий ташҳис ва даволаш аппаратлари билан таъминланган. Бу беморлардаги касаллик сабабларини бехато аниқлаш, тўғри ташҳис қўйиш ва самарали даволаш имконини бермоқда. Буни Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмасида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**




– Биз бу йил туманимизда истиқомат қилувчи кексалар, ёлғиз қариялар, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари соғлиғини таъминлашга алоҳида эътибор бераяпмиз, – дейди тиббиёт бирлашмаси бош врачининг даволаш бўйича ўринбосари Шаҳодат Раҳимова. – Ёши улуғларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, уларни соғломлаштиришнинг изчил тизимини йўлга қўйиш, кўриш, эшитиш ва таянч-ҳаракат воситалари билан таъминлаш ва шу орқали "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросига амалий ҳисса қўшиш мақсадида 2015 йил учун алоҳида чора-тадбирлар режаси тузилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмаси таҳририятга йўллаган маълумотларда келтирилишича, кексаларда сурункали, шу жумладан яширин кечувчи ва илгари кузатилмаган касалликларни эрта аниқлаш ва бу хасталикларнинг олдини олиш мақсадида туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг малакали мутахассислари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг умумий амалиёт шифокоридан иборат гуруҳлар иштирокида кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Хусусан, туман кексаларидан 4712 нафари тиббиёт бирлашмаси бош мутахассислари, вилоят даволаш-профилактика марказларининг етакчи врачлари ҳамда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва тиббиёт олий ўқув юртлари мутахассислари иштирокидаги чуқурлаштирилган кўрик билан қамраб олинди. Сурункали касалликка чалинган кексалар хасталик қандай кечишига қараб, даврий диспансер кўригидан ўтказилмоқда.

– Кексалардаги хасталикни тўғри аниқлаш мақсадида юқори технологияли диагностика ва даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Аброр Мўминов. – Жумладан, йирик бўғим хасталиги бор кексалардан энг ёрдамга муҳтож 3 нафари танлаб олиниб, реконструктив-тиклаш жарроҳлик амалиётини бажариш, шунингдек, умуртқа поғонаси хасталигига чалинган 8 кекса консерватив-терапевтик даволаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тақсимотига асосан диагностика ва даволаш учун бепул ордер билан даво муассасаларига юборилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерлар, ёлғиз кексалар саломатлигини изчил кўрикдан ўтказиб бориш, даволаш ва зарур дори-дармонлар билан таъминлаш учун замонавий тиббиёт имкониятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Депутат минбари

# ЭГРИ ЙЎЛНИНГ ТЎҒРИ ЧОРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маҳалла фаоллари йўл-йўлакай қишлоқ одамларининг бугунги турмуши, яшаш шароитлари билан яқиндан таништирдилар.

– Мамлакатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли тинч-осойишта, тўкин-сочин ҳаёт кечираяпмиз, – дейди уруш фахрийси, 97 ёшли Абдуқаххор ота Абдуллаев йўлсозларнинг ташрифидан қувониб. – Мен уруш даҳшатларини ўз кўзим билан кўрганман, азоб-уқубатларини ўз танамдан ўтказганман. Бу дунёда тинчликдан қимматлироқ, хотиржамликдан азизроқ неъмат йўқ, болаларим. Қаранг, бугун ҳар қадамда ободлик, ёшларимиз эътиборда, аёлларимиз эъзозда. Бизга ўхшаган кексаларни давлатимиз бошига кўтараяпти. Кексаларни эъзозлаш йили деб телевизор, қўл соати, телефон, пул мукофотлари беришди. Қарияларимиз санаторийларга бепул дам олишга бориб келишаяпти. Кеча эшитсам, эътиборга муҳтож кексаларнинг уйларини бепул таъмирлаб ҳам беришаётганмиш... Э, отасига раҳмат-эй! Депутатларимиз ташаббуси билан йўлимизни обод қилиш масаласи кўтарилаётганини эшитиб яна бир хурсанд бўлдик. Мана шу хайрли иш албатта амалга ошишидан умидвормиз...

Шу куни аҳолининг турли мурожаатлари, таклиф-истаклари мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилди. Нишбош – Лашкарак қишлоқларини Ангрен шаҳри ва вилоятнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи йўлнинг ҳолати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари Лашкаракдаги 31-умумий ўрта таълим мактаби биносида маҳалла раислари ва фаоллари иштирокида муҳокама этилди.

– Вилоятимизда табиати шу қадар гўзал ва мафтункор масканлар борлигини кўриб, рости, қувондим, – дейди кенгаш раиси Х. Тўлаганов.– Лекин тоғлар этагида жойлашган бу қишлоқларни шаҳар билан боғловчи салкам 20 километрли йўл ҳақиқатдан ҳам ўта носоз аҳволда. У айни пайтда вилоят "Тошкентавтойўл" балансида эмаслиги боис, бу масалани мутахассислар иштирокида яна алоҳида кўриб чиқамиз. Бу – амалий ёрдам берилмас экан, дегани эмас. Йўлни тўлиқ капитал таъмирлаш ишларини келгуси – 2016 йил дастурий режасига киритиш учун тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида масъул ходимларга бугуннинг ўзидаёқ кўрсатмалар бердик. Бу йил эса, махсус техникалар ёрдамида йўлни текислаш, хавфли ҳудудларга тўсиқлар ва йўл белгилари ўрнатиш каби долзарб вазифаларни бажариб, автобус қатнови йўлга қўйилиши учун зарур бўладиган шароитларни яратиш чораларини кўрамиз.

Муҳокама жараёнида республикадаги бир қатор йирик саноат корхоналарининг дам олиш масканлари шу ҳудудда жойлашганлиги, келгусида амалга ошириладиган таъмирлаш-қурилиш ишларида уларнинг ҳамкорлигини ташкил этишга эътибор қаратилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

– Илгарилари бундай муаммоли масалаларни ҳал этиш учун раҳбарларнинг қабулхонасида соатлаб кутиб ўтиришга тўғри келарди, – дейди маҳалла фаолларидан бири Пирназар Абдусатторов. – Энди эса раҳбарларнинг ўзлари ёнимизга келиб, биздан ҳол-аҳвол сўрашаяпти. Бу – вилоятимизда фуқароларнинг мурожаатларини эшитишга, муаммо ва камчиликларни ўз жойида ҳал қилишга амалий ёндошилаётганининг яққол намунасидир. Мен йўлсозларимиздаги қатъиятни кўриб, улар ўз соҳасининг салоҳиятли мутахассислари эканлигига, ҳамқишлоқларимизни кўп вақтдан бери қийнаб келаётган йўл муаммосини бартараф этиш учун бор чораларни кўришларига астойдил ишондим. Қолаверса, бу ишдан биз ҳам четда турмаймиз. Ҳашарлар уюштириб, қурувчиларга мададкор бўламиз.

– Халқимизда "Йўли сознинг ташвиши оз", деган гап бор, – дейди Пирназар аканинг фикрларини давом эттириб Юсупали Насибалиев. – Йўл усталарининг саъй-ҳаракати билан қишлоғимизга янада файз кириши, аҳолига хизмат кўрсатувчи турли катта-кичик тадбиркорлик объектлари барпо этилиши шубҳасиз. Бу ҳам қулайлик-да. Ахир, бошқасини қўйиб турайлик, бошимиз оғриб қолса, керакли дорини сотиб олиш учун ҳам йигирма километр йўл юриб шаҳарга бориб келаяпмиз-ку. Шундай хизмат турлари йўлга қўйилса маҳалламиз ёшлари орасидаги ишсизлик кескин камайиши аниқ.

Ҳа, таъмирталаб йўлнинг ҳолатини ўрганиб, келгусида амалга ошириладиган ишларни кенгашиб олиш мақсадида ташкил этилган тадбир маҳалла аҳли учун кўпдан бери кутилаётган байрамга айланиб кетди гўё. Савобли ишнинг бошланиши аслида ҳам байрамларга тенг-да! Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қутлуғ қадамлари теккан ушбу тарихий масканни янада обод ва кўркам гўшага айлантириш йўлни тартибга келтириш билан бошланаётгани ҳақиқатдан ҳам энг хайрли ва эзгу ишдир.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.**

Учрашув

**Янгийўл тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонун ва қарорлар, республика Президенти фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаев билан учрашув ўтказилди.**

# ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР АҲОЛИГА ЕТКАЗИЛДИ

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб, коллеж ва лицейларнинг директорлари, тижорат банклари раҳбарлари, фермерлар ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирок этган учрашувда Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган 17 та масала, жумладан, еттита қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилиб, уларни кенг аҳолига етказиш йўл-йўриқлари, жойларда уюштириладиган чора-тадбирлар ҳақида фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Жумладан, учрашув давомида "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида", "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.

**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Фармон ва ижро

# ИҚТИСОДИЁТДА МУЛКЧИЛИКНИНГ ЎРНИ



**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида республика Президентининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш бўйича чоралар тўғрисида"ги Фармони, "Иқтисодиётда хусусий мулкчиликнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда республика Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт, Молия ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат-солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг раҳбар ва масъул ходимлари, акциядорлик жамиятлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида мулкдорларга эркинлик бериш, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларни жорий этиш каби масалаларга алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, халқаро тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этишга, хорижий капитал иштирокида акциядорлик жамиятларини тузиш, юқори малакали, профессионал менежерларни тайёрлаш борасида амалий ишлар қилинаётгани таъкидланди.

**Илмира ЛАЗИЗОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Саводхонлик

# САРДОРЛАР ИҚТИДОРЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

**Оҳангарон тумани Маданият ва истироҳат боғида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳомийлигида "Камалак" болалар ташкилоти сардорларининг анъанавий анжумани бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги, халқ таълими, ички ишлар ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда "Гулилола" хусусий корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда барча шаҳар ва туманлардан "Камалак" сардорлари иштирок этиб, матбуот, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий саводхонлик, саломатлик, спорт ва экология йўналишларида иқтидорларини намойиш этишди.

Анжуман сўнгида иқтидорли ёшларни "Камалак" ташкилоти сафига қабул қилиш маросими уюштирилди.

"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши тадбир сўнгида бир гуруҳ сардорлар иқтидорини муносиб тақдирлади.

**Ўз мухбиримиз.**

Матбуот анжумани

**Миллий матбуот марказида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда ОАВнинг роли" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ҳамда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар, Миллий ҳамда Жаҳон тиллари университетларининг журналистика ва халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирок этишди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишдаги ролини кучайтириш масалалари муҳокама этилиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида хабардор қилиб бориш, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти экани таъкидланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

# ЭСИЗ ГУЛЛАР, ЭСИЗ МАҲАЛЛА...



(Давоми. Боши 1-бетда).

"Гузар" МФЙ оқсоқолига учрашиб кетмасак бўлмас, деб идорасига йўл олдик. Бахтимизга темир эшик очиқ экан. Идора этагида эса, бурканиб ётган бир кимсани кўриб, учаламиз ҳам ҳангу манг бўлиб, уни уйғотдик. Тайинли яшаш жойига эга бўлмаган бу кимса, тура солиб, кўрпачаларини қўлтиққа урганча, қочиб қолди.

"Наврўз" маҳалласида бунданда антиқа манзарага гувоҳ бўлдик. Илғор кўчасидаги темир дарвозали, тўрт тарафи ўралган хонадон 1-1,5 метрлар чамаси баландликда ахлат билан тўлдирилган.

– Бу хонадоннинг эгаси, бор-у, ўзи йўқ. Бир неча йилдан бери қаровсиз, – деди Мирюсуф Мираҳмедов.

Ушбу хунук манзара аҳолининг ҳам жонига теккан шекилли, бирлари олиб, бирлари қўйиб гапира кетишди.

– Юлдуз Абдукаримоваман, мана шу 1-уйда, 7 киши яшаймиз. Ўн йилдан бери аҳвол шу. Бормаган идорамиз қолмади. Ҳокимиятдагилар пинак бузмайдилар. Экологияга борсак, бу бизнинг ишимиз эмас, ДСЭНМга мурожаат қилинг дейишади. Болаларимиз шу ахлатхона ёнида катта бўлишмоқда.

Суҳбатга Назира Ҳакимова қўшилди:

– Кўчиб келганимизга 10 йил бўлди. Маҳалладошларим уйларига меҳмон чақиришолмаса, иссиқ кунлари ҳовлига чиқишолмаса... Бизнинг соғлиғимизни ўйлайдиган ташкилот борми туманда?

Валентина Кустова тўлиб турган эканми, қўшнисининг гапини бўлди:

– 1977 йилдан бери шу ерда тураман. 20 йил бўлдики, шу аҳвол. Ҳовли олинади, сотилади, бирортаси қўним топгани йўқ. Бу ахлатхоналарда нималар бўлмаяпти, кимлар яшамаяпти дейсиз. Бултур икки марта ўт қўйиб кетишди. Биринчисида ўт ўчирувчилар келиб оловни даф қилишди. Иккинчи гал сувсиз келишибдими, ўз кучимиз билан ўчирдик. Ҳовлию уйларимизда пойга қўйиб юрган сичқону каламушларни айтмасак ҳам бўлади. Яқинда илонлар ҳам пайдо бўлса ажаб эмас. Қўланса ҳидига на ҳовлида, на уйда чидаб бўлади. Кечқурун Тўйтепадаги барча ит-мушуклар шу ерга тўпланиб, базм қилишади. Ҳокимиятдагилар бултур ахлатхонани йўқотиш ёки тозалаш ўрнига шлакоблок девор билан ўраб кетишди...

Уюм-уюм ахлат тўкаётганларнинг ўзлари оқсоқол бошчилигида ҳашар уюштириб, чиқиндиларни тўплаб, машиналарга ортиб, полигонларга элтиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўришганми? Шикоятчилар бу ҳақда эшитгилари ҳам келмайди. Уларнинг арз-доди ҳали-бери тугамаслигини билиб, "Наврўз" МФЙ раиси кимлигини, қаерда яшашини сўрасак, ҳеч ким айтиб беролмади. Ана холос... Бу ҳолдан хижолат бўлди шекилли, ДСЭНМ бош шифокори ўзини оқлашга уринди:

– Иш бошлаганимга 6 ой ҳам бўлмади. Шу кунлар ичида бир мунча ишлар қилинди. Жумладан, "Қайтмас" маҳалласи йиллар давомида йиғилиб қолган 35-40 сотих ердаги ахлат уюмларидан тозаланди. 200 куб. метр чиқинди олиб кетилди. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот олиб бораяпмиз, ҳатто "Намуна" маҳалласидан 3 хонадон, "Пахтаобод" маҳалласидан 5 хонадонга маҳаллани антисанитария ҳолатига келтиргани учун жарима солдик. Аммо, кўриб турганингиздек...

Хуллас, ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. Фақат хулоса ўрнида шикоятчилардан бирининг гапини айнан келтирмоқчимиз:

– Ҳокимиятдагилар ишимиз бошимиздан ошиб ётибди, қаерга борсанг боравер! – дейишди.

Туман мутасаддилари ободончилик ва озодаликка шундай муносабатда эканлар, биз қадам қўйган маҳаллаларда ҳали-бери саранжом-саришталик қарор топиши амримаҳол кўринади.

**Даврон АҲМАД.**



Маънавият

# ТУТАБ БОРАЁТГАН ОФАТ



...қўйиш орқали организм аста-секин заҳарланиб, унинг турли хасталикларга қаршилик тизими шикастланиб боради. Бундан ташқари, чекувчиларда артериялар чўзилувчанлиги йўқолади, томирлар тораяди. Бу, турган гапки, юрак қон-томир касалликларининг бошланишидир. Никотин таъсирида юрак уриши меъёридан анча тезлашиши маълум. Бу эса стенокардия хуружини келтириб чиқариши мумкин. Яна бу тоифадаги кишиларда ўпка, бронхлар ва ҳалқумнинг сурункали хасталиклари чекмайдиганларга нисбатан 5-6 баробар кўп учраши кузатилган. Тамаки таркибидаги зарарли қурумлар нафас йўлларига маҳкам ёпишиши оқибатида ларингит келиб чиқади, овоз бўғилиб, хириллаш пайдо бўлади. Респиратор касалликлар хавфи ортади.

Шу ўринда норасмий бир статистика. Тахмин қилинишича, мамлакатимизда эркакларнинг 19 фоизидан кўпроғи сигарет, 22 фоизга яқини нос чекади. Афсуски бу кўрсаткич аёллар орасида ҳам 1 фоизга яқинлашиб қолган. Тўғри, бу бошқа ўнлаб мамлакатлардаги аҳволга нисбатан анчайин паст. Лекин бу хотиржамлик учун асло асос бўлмайди. Бинобарин, дунё бўйича кашандалар кўпайгандан кўпайиб бораяпти. Бу ёқда эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бонг уриб огоҳлантираётибдики, яна яқин ўн беш йилдан сўнг бу иллат қурбонлари бошқа ҳолатдаги жами ўлимларнинг 10 фоизини ташкил этаркан...

Ижтимоий сўровлар чекишга ўрганиш аксарият одамларда асосан ўсмирлик пайтида, жуда оддий ва бир хилликда бошланганини кўрсатади. Яъни, ўша гап – "бир марта тортиб кўриш..."

Шунга таяниб айтиладиган бўлса, кашандалик эртамиз давомчиларининг соғлом ва баркамол ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи иллатдир. Вояга етаётган ўсмир организмида ҳали физиологик функциялар шаклланмаган бўлади. Никотиннинг таъсирида мурғак вужудда патологик ўзгаришлар жараёни авж олади. Энг аянчлиси, қўшиқда "Ёшликда берган кўнгил айрилмас бало бўлур", деб куйланганидек, бу даврда "орттирилган" кашандалик инсонга умрбод ҳамроҳ бўлиши ҳеч гапмас.

Аслида, гапни шундан бошлаш керак эди. Зотан, жамиятда чекишга қарши курашиш самараси ҳали бу офат домига тушмаган ёш авлодни бу иллатдан муҳофаза қилишда кўпроқ кўриниши турган гап. Бунинг учун ёшларимизда тиббий маданиятни юксалтириш, эртамиз эгаларини спорт ва бадантарбияга жиддий йўналтириш лозим. Бу жараёнда соғлом турмуш тарғиботи ва биринчи галда, катталарнинг шахсий ибрати бағоят муҳимдир. Бунинг учун ҳар ким, ҳатто, энг ашаддий кашанда ҳам баробар қайғуриши керак.

Қонунчилигимизда вояга етмаганларга тамаки маҳсулотларини сотиш ман этилган. Шунингдек, унинг рекламасига ҳам барҳам берилган. Ҳатто иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки чекиш мумкин эмас. Тамаки сотувчи савдо объектлари таълим, спорт ва диний муассасалардан камида 500 метр нарида бўлиши зарур ва ҳоказо. Юқоридаги тартиб-қоидаларни бузган шахслар жавобгарликка тортилади. Бу жуда катта гап. Шунга қўшимча равишда вояга етмаганлар олдида бу заҳри қотилни чекишдан ҳам воз кечиш керак. Буни эҳтимол, қонунчилик йўли билан эмас, маънавий жиҳатдан таъминлаш ўринлидир. Токи, оила дастурхон тўрини безаб ўтирган ота таомга тўйгач, қўлини артар-артмас, ўтирган жойида гугурт қидириб қолмасин...

Бир мактабда физика ўқитувчиси қирқ дақиқалик дарс мобайнида ўқувчиларга "мустақил иш" топшириб, ўзи эса... ойна ёнига бориб, бамайлихотир сигарет тутатишини эшитиб, ёқамни ушлагандим.

Сатирик ёзувчиларимиздан бирининг саҳнада кўп бора ўйналган комедиясида эса шундай бир эпизод бор. Совчиликка борган кайвони кампирнинг мезбон хонадонида биринчи бўлиб қиладиган иши шу – наматни кўтариб, тагини кўриш. Тупурилган носми, чекилган "бичок"-ми, тугилган сочми, кўрса бас, хайр-маъзурни насия қилиб, ортига жўнаворади. Бу билан кампир тушмагурнинг саранжом-саришталикни хуш кўришига нисбат берилгани аниқ. Лекин бугун авлодлар саломатлигини, фарзандлар камолини ўйлаган ҳар бир ота-она кашандаликка худди шундай муносабатда бўладиган пайт келди-ёв...

Инсон иродаси нималарга қодир бўлмаган, дейсиз. У очликка, ёлғизликка, маҳкумликка, борингки, ҳаётнинг не-не ташвишу уқубатларига кўниккан, чидаган. Бунга тарихдан ҳам, бугундан ҳам истаганча мисол келтириш мумкин. Худди шундай, инсон иродаси тамакини енгишга ҳам қодир.

Истасангиз, эплайсиз.

**Муҳаммад АЪЛО.**

(Давоми. Боши 1-бетда).




## АНЖЕЙ ДУДА – ПОЛЬШАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

**Ўтган якшанба кунги иккинчи тур президент сайловларида Анжей Дуда ғалаба қозонгани ҳақида хабар тарқатди мамлакат оммавий ахборот воситалари.**

Маълумотларга қараганда, "Ҳуқуқ ва адолат" партияси қўллаб-қувватлаган Дуда 53 фоиз сайловчилар овозига эга бўлди. Унинг рақиби, мамлакатнинг амалдаги президенти Бронислав Коморовский 47 фоиз овоз олди.

Собиқ президент натижалар маълум бўлиши биланоқ, мағлубиятини тан олди. "Сайловчилар шундай қарор қилишди. Демократия фақат натижаларни тан олишдан иборат эмас, балки сайлов натижаларини ҳурмат қилиш ҳамдир. Анжей Дудани ғалаба билан табриклайман!", деди у РИА Новости агентлигига берган интервьюсида.

Эълон қилинишига кўра, иккинчи тур президент сайловларида овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 56,1 фоизи иштирок этди. Дуда биринчи тур сайловлардаёқ энг кўп – 34,76, яъни Коморовскийдан қарийб 1 фоиз кўп овоз олган эди.

## ГРЕЦИЯНИНГ ҚАРЗНИ ТЎЛАШГА ПУЛИ ЙЎҚ

**Мамлакат ички ишлар вазири Никос Вуцис шу йил июнь ойида халқаро валюта фондига ўтказиши лозим бўлган 1,6 миллиард евро маблағни тўлай олмаслигини айтди.**

У Рига шаҳрида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитида янги кредитлар масаласига оид музокаралар кутилган натижани бермаган чоғда шундай фикрни баён этди. Reuters агентлигининг ёзишича, Вуцис Mega TV канали орқали берган баёнотида: "Мамлакатнинг бунча пули йўқ", деди.

Аввал хабар қилинишича, Грециянинг Франция ҳамда Германия вакиллари билан Ригадаги Европа Иттифоқи саммитида янги кредит маблағлари хусусида олиб борган музокаралари натижа бермаган. Гап шундаки, Греция халқаро ёрдам дастурини 2015 йилнинг охиригача давом эттириш хусусида музокара олиб бораяпти.

## БЕРЛИНДА АЖАБТОВУР ВОҚЕАЛАР...

**Берлиндаги Бельвю саройи, яъни мамлакат президентининг шаҳардаги қароргоҳи ҳовлисига номаълум шахс ёндирувчи суюқлик улоқтиргани ҳақида хабар тарқатди пойтахт полицияси.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари берган маълумотга кўра, "Велосипедда бораётган номаълум шахс президент қароргоҳи ёнидан ўтаётиб, ҳовлига ёндирувчи воситани ташлаб кетган. Натижада ёнғин чиқиб, полициячилар уни зудлик билан ўчиришга эришишган".

Бу воқеадан сўнг бироз вақт ўтгач, бир киши полицияга қўнғироқ қилиб, сигарета сотиладиган автоматни портлатиб юборишгани ҳақида хабар берди. Гувоҳнинг айтишича, бу ишни бир велосипедчи қилган. Орадан бир муддат ўтиб, ўша гумондор киши қўлга олинди. Айни пайтда федерал қўриқлов идораси вакиллари 50 ёшли бу гумондор ҳақиқатан ҳам ўша жиноятчими ёки бошқа шахс эканини аниқламоқда. Қизиғи шундаки, кейинги пайтда Берлинда бундай ажабтовур воқеалар кўпайиб кетди. Жумладан, парламент биноси, Бундестаг, шунингдек, Ангела Меркел партияси штаб-квартираси ёнида шундай ҳодисалар кузатилди.

## ФУТБОЛ МАЙДОНИДА ЎЛИМ ТОПДИ

**Аргентинанинг "Атлетика Парана" футбол жамоаси ҳимоячиси Кристиан Гомес бевосита учрашув чоғида, яшил майдонда вафот этгани ҳақида хабар тарқатди Ole нашри.**

Фожиа "Бока Удинос" жамоаси билан навбатдаги учрашув чоғида юз берди. Биринчи бўлимнинг 32-дақиқасида ҳимоячи кутилмаганда майдонда қулади. Бош ҳакам ўйинни тўхтатишга мажбур бўлди. Аввалига Гомес ҳушидан кетди, деб ўйлашганди. Бироқ, ўйингоҳда навбатчилик қилган тиббиёт ходимлари 27 ёшли футболчини зудлик билан шифохонага олиб кетдилар. Афсуски, улар Гомесни қутқариб қолишолмади. Шифохонага етмаёқ, у ҳаётдан кўз юмди. Дастлабки маълумотларга қараганда, футболчининг бевақт ўлимига юрак хуружи сабаб бўлган.

## ЁЛҒОНЧИНИ ЖАРИМА ВА ҚАМОҚ КУТАЯПТИ

**Франция полицияси парвозга ҳозирлик кўраётган самолёт бортида бомба борлиги ҳақида ёлғон маълумот берган кишини қўлга олди.**

Франс Пресс агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, 33 ёшли қоидабузар бир таниш қизи ўша самолётга кечикаётгани учун бомба ҳақида Бордо аэропортига ёлғон хабар берган. Полиция шу заҳотиёқ самолётни ўраб олиб, портловчи ускунани қидиришга тушди. Бироқ, у топилмади. Шундан сўнг полиция ёлғончини сўроққа тутди ва у айбини тан олди.

Энди Бордода ёлғончи устидан суд мажлиси бўлиб ўтади. Прокуратура вакилларининг айтишича, уни икки йиллик қамоқ ва 30 минг евро миқдоридаги жарима кутмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Танлов

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбек Миллий академик драма театрида "Йилнинг энг яхши саҳна асари" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.**

Илк бор ташкил этилган ушбу танловда маданият ва санъатга ихтисослаштирилган коллежларда актёрлик ва режиссёрлик йўналишида таҳсил олаётган юз нафардан зиёд ўқувчи ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б. Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг пухта таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилганини, бу ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори баркамол авлодни вояга етказиш ва улар учун кенг имкониятлар яратишда муҳим омил бўлаётир.

Ушбу ижодий ишлар мавзунинг долзарблиги, ғоянинг миллийлиги, умуминсоний анъаналарга мослиги, драматургиянинг бадиийлиги, спектаклнинг бадиий яхлитлиги, режиссёрлик талқини, актёрлик маҳорати, ижро усули, саҳна безаклари, мусиқий ёндашув, саҳна маданияти каби мезонларга кўра баҳоланди.

"Йилнинг энг яхши саҳна асари" республика кўрик-танловида биринчи ўринга Қарши санъат коллежи, иккинчи ўринга Тошкент маданият коллежи, учинчи ўринга Республика эстрада ва цирк коллежи жамоасининг спектакллари лойиқ топилди.

"Энг яхши бош роль ижрочиси", "Энг яхши эркак роли ижрочиси", "Энг яхши аёл роли ижрочиси", "Энг яхши режиссёрлик иши", "Энг ёрқин характер ижрочиси", "Энг яхши эпизодик роль", "Энг яхши саҳна безаги", "Энг яхши мусиқали безак", "Намунали саҳна маданияти" каби йўналишлар бўйича ҳам муносиблар тақдирланди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎзА мухбири.**

Одамийлик шеваси

# «САНИ СЕВГАНЛИГИМ АЙБИМ...»

Нажотнинг тузуккина овози бор. "Ярқ" этган истеъдодлардан. Мақом йўлидаги анчайин бенуқсон ижроларига гувоҳман. Ўзи ҳам, янглишмасам, бировга билдириб-билдирмай, халқ оҳангларида, эстрада йўлларида қўшиқ ёзиб туради. Унинг бир қишлоқчалик довруғи қачонлардир бутун чор-тарафга ёйилса керак, деб ўйлардим. Аммо... Кутилмаганда у санъатни ташлади. Бутунлай.

... Тўйга катта ҳофиз келди. Тўйхонага бутун Хўжақишлоқ аҳли йиғилди. Ҳамма ҳофизни тинглаб, сел бўлди. Базм охирлаб қолганда, Арофат ая мўйлаби энди сабза урган набираси Нажот Султоновни санъаткорнинг олдига етаклаб келиб, дуо сўради. Санъат устасининг кайфияти яхшимиди, ё бир дили кетдими, йигитчанинг унча-бунча қўшиқ айтиб туришини билгач, микрофонда: "Шу бола қўшиқ айтиб беради", деб қолди. Кутилмаган таклифдан ўзини йўқотмаган Нажот микрофонни олиб, созандаларга қаради-да:

– "Эй, муҳаббат...", – деди ва қўшиб қўйди: – "Ре"дан...

Нажот авжини олганда ҳофизнинг завқи жўшди, хўплаб турган чойини қўйиб, жўровозлик қилди. Ижро тугагач, санъат устаси оддий қишлоқ боласига фотиҳа бераркан: "Сен қўшиқни ҳов анави донғи чиққанлардан яхши этаркансан", девордди...

Эҳтимол, у лутф қилгандир. Билмадим. Билганим шуки, Нажот энди бошқа қўшиқ айтмай қўйди...

Ўша кезлар Нажотни қишлоғимизда тенг-тўшлари даврасида гоҳ чанггa беланиб копток тепаётганини, гоҳ дони йиғиштириб олинган буғдойзорда мол-қўйини ўтлатиб юрганини кўрардим. Кўпинча қўлида китоб, тилида эса... хиргойи бўларди. Афтидан, у халқ ҳофизларидан бири Фахриддин Умаров қўшиқларини яхши кўрарди. Юрса ҳам, турса ҳам худди шу санъат устасининг лирик қўшиқларини тилидан қўймасди. Бир қарасанг, шалоладек шўх-шаддод қишлоқ қизларининг ортида "Олма тўла саватингни ерга қўй..." деб ўйноқи лапарлар айтса, бирда жуда жиддий тортиб қолар ва "Йўлингда туфроқ ўлдим эй, сабо етсанг ғуборимға", деб нола қилгани қилган эди...

Айтгандек, бундан ўн йилча аввал Нажотнинг қистови билан Фахриддин Умаровни кўргани "Лабзак"даги хонадонига борганимизда, устоз санъаткор қалтироқ қўллари билан хонтахтани чертиб, олтмишинчими-ей, етмишинчи йилларда ижро этган бир қўшиғидан парча айтиб берганди. Қизиқ, яхши қўшиқ жон озиғи, деганларича бор-да, ўшандан бери шу қўшиқни эшитгим келиб юраман...



Кейинчалик қишлоққа борганимда гапдан гап чиқиб, дурустгина хонанда бўлиб етилаётган бу йигитнинг нега қўшиқ айтмай қўйгани сабабини билдим. Ҳаммаси арзимаган гап экан асли.

Қишлоғимизда савдо-сотиқнинг орқасидан жуда тез бойиб кетган Ҳабибулла дегани бўларди. Шунинг бир қизи мактабда Нажот билан ўқиган-у, икки ёш бир-бирига кўнгил қўйган экан. Мактабни битиришгач, қиз институтга кириб, пойтахтга кетибди. Нажот ҳам санъат олий илмгоҳига шартнома асосида қабул қилинган экан. Икки ҳамқишлоқ ёшликдан бир-бирига боғланиб қолган эмасми, бегона шаҳарда тез-тез кўришадиган бўлишибди. Орзу-умидлари яна ҳам тиниқлашибди. Вақти келиб, бу муносабат қишлоққа, қизнинг ота-онаси қулоғига етибди. "Янги бой"лардан бўлган ота суриштирсаки, қизининг бошини айлантириб юрган йигитнинг қилар иши "яллама ёрим". Қишлоққа отнинг қашқасидек таниш бўлган бир "лапарчи". Тенг-тенги билан, деган гапни хуш кўрадиган баджаҳл ота бу "севги қиссаси"нинг "драматик тус олиши"дан хавотирга тушибди ва пайтини топиб, йигит билан орани очиқ қилибди. Ҳабибуллабой гапнинг дангалини айтибди: "Чиндан ҳам муносабатинг жиддий бўлса, майли, қаршилик йўқ, фақат бизга куёв бўлишнинг айрим шартлари бор-да..."

Нажот содда ва девонавор бир йигит эмасми, ишқ-муҳаббат йўлида ҳар қандай синовга тайёр эканини айтибди. Шу суҳбатдан сўнг, ашула айтишни ҳам, олий илмгоҳини ҳам ташлабди. Ҳали бўлмаган қайнотасининг фирмасида кўз илғамас майда-чуйда ишларга сафарбар этилибди. Шундай қилиб, унинг қисқагина "санъат йўли" ниҳоясига етибди.

Аммо бизнинг ҳикоямиз ҳали тугагани йўқ.

... Яқинда менга бир нотаниш қўнғироқ бўлди. Дўриллаган таниш овоз, лекин кимлигини эслаёлмадим. Нажотнинг ўзи экан, қаранг. Тўғриси, Тошкентда ўқиб, шу ерда ишлаб қолганимдан буён у билан гаплашмагандим. Бошига тушган ишлардан оз-моз хабардор эмасманми, "Ижодлар қалай, энди" деб атайин тагдорроқ қилиб ҳол-аҳвол сўрадим. У эса ҳеч кутилмаганда худди шу масалада қўнғироқ қилаётганини айтиб қолди. Гапига қараганда, санъат олий илмгоҳидаги ўқишини тиклабди, шу йўлда яхши устозлар топиб, жиддий изланаётган экан. Қайнотасининг шартлари нима бўлганини сўрамадим. "Эшитган бўлсангиз керак", деб ўзи гап бошлади. Ҳабибуллабой эшакни тўқимсиз минадиганлардан экан, Нажотни санъатдан, ўқишидан мосуво қилиб, камига яна эзиб ишлатиб, э йўқ-бэ йўқ, қизини тошкентлик қўли узун ошналаридан бирининг ўғлига узатворибди...

– Ака, ёрдамингиз керак, – деди Нажот. – Бу шаҳарда сиздан бошқа ишонганим йўқ.

– Қўлимдан келса бажонидил...

Нажотнинг эндиги саволи яна ҳам кутилмаган бўлди:

– Ўша қўшиқ эсингиздами?

"Қайси қўшиқ?" деб улгурмасимдан ўзи изоҳ берди:

– Фахриддин устозни кўргани борганимизда, бир қўшиқ айтиб бергандилар. Адашмасам, сўзлари мана бундай эди. Нажот оний жимликдан сўнг одамни хуноб қиладиган ғамгин нолалар билан хиргойи қила бошлади:

*– Сани севганлигим*
*айбим, мани ўзга*
*гуноҳим йўқ,*
*Бу ишқдин сан ўзинг огоҳ,*
*мани ўзга гувоҳим йўқ...*

...Шу икки сатрли хиргойи туфайли кўнглимда аллақандай ҳислар ғалаён қила кетди. Ахир бу ўзим анчадан буён эшитгим келиб юрган таниш ва дилга яқин оҳанг эди-да. Қўшиқ сўзларидан Нажотнинг кўнглидаги исмсиз армонларга энди ном топдим, деганимда, унинг ўзи хаёлларимни тўзғитворди.

– Ака, шу қўшиқни янгилаб, ижро этмоқчиман. Продюссерлар радиога, телевизорга берамиз дейишаяпти. Сиз журналистсиз, кўпни кўрган ижодкорлар даврасида юрасиз, илтимос, шу қўшиқни топишда ёрдамлашинг, ака...

Мен Нажотнинг ўзига, ўзлигига қайтаётганидан қувониб, албатта ёрдамлашишга ваъда бердим. Ваъда бердиму... Бу иш мен ўйлагандан анча қийин эканини тушундим. Негаки, ҳарчанд суриштирмай, бу қўшиқ овоз ёзиш студияларидан ҳам, "Оҳанг медиа" томонидан тўпланган альбомлардан ҳам топилмади. Ҳофизнинг ўзлари эса орамизда йўқлар...

Нажот эса, бирор янгилик умидида ҳали-замон қўнғироқ қилиб қолади.

**F. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**


ЭЪЛОНЛАР

**"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2015 йил 30 июнь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 11.03.2015 йилдаги 3812-сонли ижро варақасига асосан Оққўрғон туман СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 286 257 500 сўм бўлган, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Охунбобоев кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий фойдали майдони 2747,0 кв.метрдан иборат бўлган "2 қаватли бино" қўйилмоқда.

2015 йил 15 июнь куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги объектлар такроран қўйилмоқда: Тошкент вилоят хўжалик судининг ижро варақаси ва 03.03.2015 йилдаги

4806-4807-сонли ижро ҳужжатига асосан Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙда жойлашган, эгаллаб турган майдони 252,0 кв.метрдан иборат "Хом ғишт қуритиш цехи", бошланғич баҳоси - 1 341 348 790 сўм; Олмалиқ шаҳар СИБнинг 27.03.2015 йилдаги 3590-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор массиви, (М17/18), 2-А уй, 4-хонасида жойлашган умумий майдони 32,0 кв.метрдан иборат, 9 қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган "Нотурар офис биноси", бошланғич баҳоси - 106 250 000 сўм;

Савдога чиқарилган мулк билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "Закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда Савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами № RR-0173.

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2015 йил 15 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: ЖИБ Миробод туман судининг 21.05.2014 йилдаги 1-130/2014-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ туман СИБ томонидан хатланган, "Мариам Текстил Сервис" МЧЖда сақланаётган, 2006 йилда и/ч, д/р 01М028НА, "ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси - 35 292 600 сўм; ЖИБ Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман СИБнинг 20.06.2014 йилдаги 2983-сонли ижро ҳужжатига асосан, Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани Бордонкўл ЙПХ жарима майдончаси сақланаётган, 2008 йилда и/ч, д/р 10О922АА, "Матиз" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 20 451 369 сўм 60 тийин; Олмалиқ шаҳар СИБнинг 27.03.2015 йилдаги 3590-сонли ижро ҳужжатига асосан, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Оҳангарон туман ИИБ автомашиналарни сақлаш майдонида сақланаётган, 2010 йилда и/ч, д/р 10Р533ЕА, "Матиз" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси - 18 750 000 сўм. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK" Шайхонтоҳур филиалидаги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар - сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (95) 177-96-74, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3000. Адади 13740. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30.